



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 9 февраль, № 30 (8092)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 февраль куни ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Барча ижтимоий дастурларда бу масалага алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Охириги беш йилда мазкур соҳага 10 триллион сўм ёки олдинги йиллардагига нисбатан 5 баравар кўп маблағ ажратилди. Бу даврда 6 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди.

Жумладан, ўтган йили 474 та сув иншооти қурилиб, 6 минг 300 километрга яқин тармоқлар тортилган. 592 та маҳаллада 2 миллиондан зиёд аҳолининг суви таъминоти яхшиланди.

Лекин ҳали бу масалада қийнаётган маҳаллалар кўп. Жумладан, Қашқадар, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ичимлик суви таъминоти 60 фоиздан кам. Фузор, Дехқонobod, Косон, Шеробод, Ангор, Фаллаорол ва Хатирчи туманларида бу кўрсаткич 30 фоизга ҳам етмайди.

Шу боис келгуси беш йилда бу соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, ичимлик суви таъминотини 90 фоизга, оқова суви қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилган. Жорий йилда бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион

сўм ажратилади, 245 миллион доллар жалб этилади.

Давлатимиз раҳбари асосий эътибор суви таъминоти ва сифати паст ҳудудларга қаратилишини таъкидлади.

Хусусан, 1 минг 545 та маҳаллада марказлашган суви тармоғи йўқ. Мутасаддиларга улардаги имкониятларни ўрганиб, уч хил йўналишда ишни ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Аввало, инфра-тузилмага яқин маҳаллаларга марказлашган тармоқ тортилади. Иккинчидан, ер ости суви яқин ва тоза бўлган жойларда қудуқ қазилиб, сув иншооти қурилади. Учинчи йўналишга қўра, қудуқ қазиви ва қувур тортиш имкони бўлмаган қишлоқларда катта сифимли ҳовуз барпо этилиб, сув ташиб келтирилади.

Бу ишларга хусусий секторни жалб қилиш чоралари ҳам белгиланди. Қайд этилганидек, сув иншоотлари қуриш, махсус транспорт ва усуналар харид қилиш учун кредит фойзаларини 14 фоиздан юқори қисмига субсидия берилди. Импорт қилинадиган усуналар ва техникаларга божхона божлари бекор қилинади. Хусусий сектор иштирокидаги суви таъминоти корхонала-

рига фойда, ер, мулк ва ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз бўлади. Маҳаллаларда хусусий суви таъминоти хизматлари учун тўловлар миқдори маҳаллий Кенгашлар билан келишилган ҳолда белгиланади.

Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий буюртма ва хусусий шерикларни танлаш ҳамда молиялаштириш тартибини соддалаштириш бўйича топшириқ берилди.

Ичимлик суви таъминоти кўрсаткичи республика бўйича энг паст — 43 фоиз бўлган Қашқадарё вилояти бўйича алоҳида дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Келгуси икки йилда 2 мингта бочка, мактаб ва тиббиёт муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш зарурлиги таъкидланиб, бунинг молиявий манбалари белгиланди.

Маълумки, бу соҳадаги лойиҳалар, асосан, “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамиятининг инжиниринг компаниялари томонидан ишлаб чиқилади. Энди бундай ишларни жалдлаштириш учун жамиятининг ҳудудлардаги инжиниринг компаниялари вилоят ҳокимликлари тасарруфига ўтказиладиган бўлди.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудратчиларни аниқлаш ва молиялаштиришни очиш ҳам вилоятнинг ўзида бўлади. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти лойиҳаларга техник талабларни белгилайди, экспертизадан ўтказиш ҳамда эксплуатациясига масъул бўлади.

Ийгилишда дарёлар ва ер ости сувларини асраш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда 8 мингта суви қудугидан 1 минг 500 таси яроқсиз ҳолатга келган. Оқибатда қарийб 800 та маҳалладаги 2 миллион аҳолининг суви таъминоти ёмонлашган. Зомин, Нурота ва Қўшрабат конларида қудуқлар қазиви, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари ўзанидан қум-шағал олиш назоратсиз, пала-партиш бўлгани сабабли бу ҳудудларда ер ости чучук сувлари захиралари 30 метргача пасайган.

Шу боис бундан буён суви қудуқларини аниқлаш ва бурғилаш ишлари фақат Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан амалга оширилиши белгиланди. Мутасадди идораларга қудуқларни хатловдан ўтказиш, дарё бўйла-

рини қаттиқ тартибга олиш бўйича кўрсатма берилди.

Туманларда эксплуатация тизимини яхшилаш ҳам долзарб масала. Кўп туманларда бунинг учун зарур бирорта техника йўқ.

Шу боис туман суви таъминоти ташкилотларининг имкониятини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Унга қўра, бу соҳада пуллик хизмат турларини белгилаш ваколати ва улар бўйича тушумлар тўлиқ туман суви таъминоти ташкилотлари-га ўтказилади. Ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш, авария ҳолатларини кенгайтириш бўйича ҳам махсус техника хариди учун туман ва шаҳар бюджетларидан маҳаллий “Сувтаъминот” корхонасига маблағ ажратиш тизими жорий этилади.

Бухоро, Жиззах, Гулистон, Ширин, Янгир каби 28 та йирик ва ўрта шаҳарда канализация тармоғи қамровини кенгайтириш бўйича ҳам топшириқлар берилди. “Янги Ўзбекистон” массивларида локал оқоватозлаш иншоотларини қуриш зарурлиги айtilди.

Ийгилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари, ҳокимлар сўзга чиқди.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАРДА ХАЛҚ МАНФААТИ ҚАНЧАЛИК ИФОДАЛАНМОҚДА?

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона ҳуқуқий асосларини белгилаш, стандартлаштириш соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари ва кун тартибидаги бошқа масалаларни атрофлича кўриб чиқди.

Маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда ҳуқуқий барқарорлик муҳим

Мажлисида “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганidan сўнг, депутатлар берган таклиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилди. Қонун лойиҳаси маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, маъмурий-ҳуқуқий соҳада жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, маъмурий органларнинг қонуний ишлашини таъминлайди.

Стандартларни қабул қилишда бетарафлик ва ҳолислик таъминланяптими?

Халқ вакиллари “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди. Махсулот, жараён, хизмат кўрсатиш масалаларида истеъмолчилар ва давлат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, махсулот сифати ҳамда рақобатбардорлигини ошириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш республика иқтисодиёти ривожининг устувор вазифаларни ҳисобланади. Ривожланган давлатлар тажрибаси юқоридаги устувор вазифаларни амалга оширишда стандартларни иктиврийлик тусида қўллаш механизмидан фойдаланиш юқори самара берганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда стандартларни ишлаб чиқишда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, стандартларни қабул қилишда бетарафлик ва ҳолислик таъминланяшининг қонуний асослари яратилмаган. Соҳадаги манфаатдор идораларнинг вазифалари ҳамда ваколатлари тўлиқ очиб берилмагани, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг ваколатлари қонунчилик билан тартибга солилмагани сабаб-

ҲАМКОРЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ УЧУН МАВЖУД САЛОҲИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ



Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоевнинг Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Э. Ринкевич билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Суббат чоғида Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги шерикликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, жумладан, парламентларaro ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Э. Ринкевич Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган мин-

такавий сиёсатга, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берди.

Мулоқот давомида сўнгги йилларда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар барқарор ривожланиб бораётгани билан ажралиб турганига урғу берилди. Шу билан бирга, қўллаб-қувватлаш зарур манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мавжуд катта салоҳиятдан фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

«FUJAIH OPEN — 2022»ДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЭКВОНДОЧИЛАР УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ БЎЛДИ



Бирлашган Араб Амирликларида таэквондонинг WT йўналиши бўйича нуфузли “Fujairah Open — 2022” халқаро турнири бўлиб ўтди.

Фахр

Германия, Франция, Венгрия, Хорватия, Испания, Бельгия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Сербия, Грузия, Иордания каби мамлакатлардан келган 600 нафардан зиёд таэквондочилар совринли ўринлар учун беллашган мусобақа якунида 4 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларини жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Турнирда Токио Олимпиадаси чемпиони Улугбек Рашитов, шунингдек, Жасурбек Жайсунов, Феруза Содикова ва Светлана Осипова олтин медалларга эгалик қилди. Чарос Қаюмова ўз вазн тоифасида кумуш, Никита Рафалович ва Ниёз Пулатов эса бронза медалини қўлга киритди.



«Халқ сўзи».

2

АМАЛДА ЭМАС, ҚОҒОЗДА БИТГАН ЛОЙИХАЛАР

ЁКИ БАНДЛИК ДАСТУРИ ИЖРОСИГА ҚАЕРДА ҚАНДАЙ ЁНДАШИЛЯПТИ?

Аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг аввалида турган энг устувор масалалардан. Зеро, фуқароларнинг меҳнатга яроқли қисмини ижтимоий фойдали юмушларга жалб этмай туриб, юрт равнақи, иқтисодий ривож, халқ турмуш фаровонлигига эришиш мушкул. Шу жиҳатдан олганда, юртдошларимизни касби, билими ва салоҳиятига қараб доимий даромад манбаи билан таъминлаш юзасидан ижроси таъминланаётган истиқболли дастурларнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта.

Хуш, тараққиётнинг муҳим воситаси, бир пайтнинг ўзида инсон ресурсидан оқилона фойдаланишнинг асосий омилли бўлган айни вазифа Наманган вилоятида қандай бажарилмоқда?

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Бугунги кунда нуфуси уч миллионга яқинлашган вилоятда 1590,7 миң меҳнатга лаёқатли аҳоли бўлиб, уларнинг 1113,3 миң нафари доимий ёки мавсумий иш жойига эга. 116,5 миң киши эса расмий жиҳатдан ишсиз ҳисобланади. 2021 йил Бандлик дастурига кўра, вилоят бўйича 49 миң 853 та иш ўрни яратиб кўзда тутилган бўлиб, бу кўрсаткич амалда 57 миң 279 тага бажарилди. Эришилган натижа негизда йирик тармоқ лойиҳаларини, худудий инвестиция дастурларини рўйбга чиқариш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, яқна тартибдаги тадбиркорликни кенгайтириш сингари омиллар турбиди.

Бундан ташқари, бандлиги таъминланган фуқароларни касбга ўқитиш, ҳақ тўланадиган ишларга жалб этиш борасидаги тадбирлар ҳам ўз натижасини берди. Шу ўринда Наманган шаҳрида иш бошланган "Ишга марҳамат" мономаркази, Тўрақўрғон ва Учқўрғондаги касбга ўқитиш марказлари ҳамда 14 та маҳаллада ташкил қилинган масканларда кундалик турмушда асқатадиган 23 турдаги касб-хунарга тайёрлаш бўйича тизимли иш олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз.

Муҳтож қатламга амалий ёрдам, шунингдек, иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида қўл келмоқда. Хусусан, яқунланган йилда 1 миң 76 камбағал оила 5,4 миллиард сўм миқдоридagi субсидия эвазига шахсий ва дала томоғасида энгил конструкцияли иссиқхона қуриб, уруғлик ва қўчатлар харид қилди. Кооперацияга бирлашган 1 миң 542 нафар фуқаро ҳам шундай имкониятдан фойдаланди.

Юқоридagi кўрсаткичлар бир қарашда бандлигини таъминлашнинг барча йўналишдаги ишлар силлиқ бораётгандай тасаввур уйғотиб қолди. Бироқ тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар, айрим иш берувчиларнинг давлат ва фуқаролар олдидagi масъулиятсизлиги ва бошқа кўринишдаги камчиликлар ҳам борки, уларни бартараф этиш орқали иш излаб юрган инсонлар дардига тезроқ малҳам топиш мумкин. Масалан, амалдаги тартибга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойнинг бошида ўзларида мавжуд бўлган бундай иш ўринлари ҳақида меҳнат органларига маълумот тақдим этишлари мажбурий қилиб қўйилган. Бироқ ҳамма ҳам унга амал қилмаптими?

Тортилди. Нима, улар раҳбарлигидagi муассасаларда ҳақиқатан ҳам иш ўринлари доимий равишда тўлиқ бандми? Агар шундай бўлса, йил давомида қабул қилинаётган ишчи-ходимлар қаерга жойлаштириляпти? Шундай ҳолларда иш берувчилар ва талабгорлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви учраб туради, деган ҳаёлга борасан киши.

Маълумки, яратилаётган ҳар бир иш ўрни негизда унга йўналтирилган сармоя ётади. Бино ва иншоотлар қурилиши, зарур технология, бошланғич сармоя, хом ашё ва бутловчи материаллар — буларнинг ҳаммасига маблағ зарур. Тармоқ ва худудий инвестиция лойиҳалари айни мақсадга эришишнинг энг мақбул йўли эканлиги амалда исботини топган. Ўтган йилнинг январь — декабрь ойларида Наманган вилояти бўйича биргина худудий йўналишда 1 миң 424 та шундай лойиҳа амалга оширилди билан 31 миң 558 та янги меҳнат ўрни юзага келди. Шу ўринда сабул туғилади: жойларда бандлиқнинг ушбу муҳим киррасига қандай эътибор қаратилмоқда?

Ишсизлик даражаси 9,4 фоизни ташкил этаётган Чуст ва бу кўрсаткич 10 фоизга етган Мингбулок туманларидаги аҳолини таққослаш орқали маасалага аниқлик киритишга ҳаракат қилди. Чуст туманида йил якунига кўра, 167 та лойиҳа ижроси билан 3 миң 238 та иш ўрни яратилиб, туманлар орасида энг юқори натижага эришилди. Бунда айтилик, 250 кишини меҳнат ўрни билан таъминлаган "Чуст текстиль-1" хусусий корхонаси, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали 220 кишини бағрига олган "Яккабулок РАЙ" корхонаси, транспорт хизмати кўрсатиш йўналиши бўйича 170 та фуқарони ишга қабул қилган "Наманган тўқимачи кластер" масъулияти чекланган жамияти сингари субъектлар ҳиссаси катта бўлганини қайд этиш жоиз.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРНЛАР ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ 2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИДА ТАЪЛИМ ЙўНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БўЙИЧА БИТИРУВЧИЛАРНИ ЙўЛЛАНМАЛАР АСОСИДА БўШ ИШ ўРИНЛАРИГА ТАҚСИМЛАШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Table with 17 columns: Tgr, Taълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи, Битирувчилар сони, Қорхона-ишоник Республикаси, Андижон вилояти, Бўғорно вилояти, Жалзах вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Ферғона вилояти, Қашқадарё вилояти, Хоразм вилояти, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри. Rows include categories like Бакалавриатура, Магистратура, and specific fields like Computer Engineering, Data Science, etc.

Фармацевтика

Мақсад — ички эҳтиёжни тўлиқ қоплаш. Республикаимизда фармацевтика тармоғини ривожлантиришда "Анджон-фарм" эркин иқтисодий зонасининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Хозирда бу ердаги 21 корхонада дори ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар томонидан ўтган йили 175 турдаги дори воситалари ва 21 номдаги тиббиёт буюмлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, 195 миллиард сўмлик фармацевтика маҳсулотлари истеъмол бозорига чиқарилди. — Ўтган йили 23,6 миллион долларлик 5 та лойиҳа ишга туширилди, — дейди Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги виллоят худудий бўлими Масинов. — 2022 — 2024 йиллар давомида яна 94,5 миллион долларлик 15 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада импорт ҳажми камайиб, аҳолининг сифатли дори ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини қоплаш мумкин бўлади.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон давлат хореография академияси вақант ўринларга танлов эълон қилади. 1. Хореография кафедраси доценти (1 ўрин). Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Ректор номига ариза; 2. Ходимнинг шахсий варақаси; 3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари; 4. Паспорт нусхаси; 5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда); 6. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; 7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси. 9.00 дан 18.00 гача. 71-232-10-63, 71-232-11-15. ЭЪЛОНЛАР. ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: reklamax@mail.ru reklama@xs.uz

